



■ БУГУННИНГ ГАПИ

ОМБОРЛАР МАҲСУЛОТГА ТўЛАЯПТИ

Ҳозирги куз кунлари қаерга бормайлик, деҳқонларимиз далаларда ундирилган картошка, пиёз, қарам, сабзи ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишадиганини кўраемиз. Бу ноз-неъматлар бозорларда сотилиб, бир қисми қишга захира сифатида омборларга қўйилмоқда. Маълум ҳароратда сақланган мева, сабзот ва полиз маҳсулотлари қиш-баҳор мавсумигача табиий ҳолатини сақлайди.

Шу ҳисобга олиниб, кейинги вақтларда шаҳар ва қишлоқларда захира омборлари тармоғини кенгайтириш, эскиларини таъмирлашга эътибор кучайтириляпти. Вилоят ҳокимининг "Вилоят ҳудудларида 2012-2013 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун омборларга қўйиладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ аҳолини қиш-баҳор мавсумида мева-сабзот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун мавжуд захира омборлари, совитчи камералардан жорий ва капитал таъмирдан чиқарилиб, янгилири қурилади.

Вилоятимизда 88 та захира омборлари ва 22 та музлаткичли камералар ташкил этилган, — дейди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини барпо этиш жараёнини назорат қилувчи ишчи гуруҳ аъзоси, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиги Анвар Абдуқодиров. — Мавжуд 110 та омбор 93 минг тоннадан зиёд маҳсулот сақ-

лаш қувватига эга. Захира маҳсулотларининг 65 минг тоннага яқини омборларга, 28 минг тоннадан ортиги эса музлаткичли камераларга қўйилади.

Зангиота туманида 8 мингдан зиёд маҳсулот сақлай оладиган омборлар барпо этилди. Пешқадамлар сафида бўлиши одат қилган Янгийул тумани эса 6 минг тоннадан ортик маҳсулот сақлаш имкониятига эга. Урта Чирчиқ, Қибрай туманлари ва Ангрэн шаҳри омборлари 4,5 минг тоннадан зиёд захира маҳсулот қабул қила олади.

Асл деҳқонлар "Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб", дейишади. Деҳқон меҳнатини рўёбга чиқарадиган сўнгги ва шу билан бирга ҳал қилувчи омил — даладаги ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳамда уни сифатли асрашдир. Бу йил кузги ҳосил муддатидан эрта этилди. Ҳосилни йиғиштириш мавсуми энди бошланган бўлишига қарамай, мавжуд омборларнинг учдан бир қисми тўлиш арафасида. Бу эса миришкорларнинг ишга нечоғли масъу-

лият билан ёндашганларидан гувоҳлик беради.

Айни пайтда жойлардаги захира омборларида мавсум учун етарли маҳсулотлар жамлаш уюшқоқлик билан давом этмоқда. Буни Паркент туманидаги "Паркент греп" омборхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир у ерда 10 нафарга яқин ходим ишламоқда.

Ушбу масъулият чекланган жамиятини 2005 йилда "Qoqalroq fruits" агрофирмаси ҳамда "Uz enter empek" давлат акциядорлик ташкилида ҳам қўриш мумкин. Ҳозир у ерда 6 та камеранинг ҳар бири 200 тоннага маҳсулот сақлашга мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳар жиҳатдан сифатли сақлаш учун бу йил хориждан 150 минг доллардан зиёд инвестиция жалб қилиб, энг сўнгги русумдаги музлаткич ускуналарини олиб келди, — дейди "Паркент греп" ижрочи директори Зоҳир Икромов. — Мева-сабзотларни бир хил ҳароратда сақлаш, шунингдек, техникаларни синовдан ўтказиш учун битта камерани ҳар бири 100 тоннага маҳсулот оладиган 3 та алоҳида бўлинмага ажратди. Ҳозир уларда 300 тоннага яқин узум сақламоқдамиз. Келгусида хориждан шу ва бошқа турдаги зарур техникалар келтириб, қолган камераларни ҳам шундай жиҳозлаб,

маҳсулотларни қиш-баҳоргача сақлаб, ички ва ташқи бозорларда сотишни режалаштиряймиз.

Шунингдек, "Чирчиқгўшт-савдо", "Техно Хладо Сервис", "Байтқўрғон марварида", "Ангрэнсавдо", "Бекободгўшт-савдо", "Олмалиқгўшт-савдо", "Султонбек мақсади" каби омборхоналар хорижий техника ва технологиялар билан жиҳозланаётир. Жумладан, Зангиота тумани "Бўзсув" қишлоғидаги "Агровер" масъулияти чекланган жамиятининг 3,5 минг тонна хосил сақлаш қувватига эга омбори 7 та совуткичи камерадан иборат. Уларнинг ҳар бирига 500 тоннага яқин маҳсулот сифади. 200 тонна атрофида картошка уруғлиги сақланмоқда.

Қиш-баҳор мавсумига захира учун омборларга қўйилган мева-сабзот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нобуд қилмай сифатли сақлаш омборхона ишчи-ҳодимларидан анчайин зийраклик талаб этади. Мева-сабзотларни вақти-вақти билан назоратдан ўтказиб, ва-зиратга қараб иш қўришларига тўғри келади. Аҳолининг ҳамма турдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини мавсум давомида бирдек қондиришнинг асосий шарти шу.

Бекзод ХИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

■ 2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Ҳар қандай жамиятнинг келажagini бугунги иқтидорли, истеъдодли ёшлар белгилайди. Бундай баркамол авлод эса соғлом оилада шаклланади.

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПойДЕВОРИ

Юртбошимиз "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қароридан "Оила соғлом экан — жамият мустаҳқам, жамият мустаҳқам экан — мамлакат барқарор" деб таъкидлаганида катта маъно бор. Бугунги кунда оила институтининг маҳалла ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, самарали ҳамкорлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар чет элларда ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Яқинда хорижий давлатлардан биринчи тажриба алмашиб кайтган ҳамкасбимиз хайратини аширмади: "Мамлакатимизда маҳалла, оила тизимига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини хорижий мутахассислар юқори баҳолашмоқда, улар ўзбек миллий кадриятларини ўрганиш истагида". Бу жуда юксак эътироф, бундан гурурланмай бўладими?!

"Мустаҳқам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши бу борадаги ишларни янада кенгайтирмоқда. Буни ҳар қадамда юз бераётган ўзгаришларда кўриб турибмиз. Бугун ёш оилалар давлат эътиборида, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, азалий миллий кадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни кен қатор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли зарарли оқимлар таъсирига қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамияти тобора юксалиб бормоқда.

Ҳабибулла ОТАҚҶЗИЕВ, нотариус.

МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ

"Таронуш" хусусий фирмаси Оққўрғон туманида 25-Болалар муסיқа ва санъат мактаби қуришни бошлаб юборди. Ўқувчилар хореография, фортепьяно, чанг, халқ чолғу асбоблари сингари 20 га яқин йўналишда таълим оладилар.

250 ўринли концерт, 100 ўринли эстрада заллари қуриш режалаштирилди. Муסיқа мактаби 1960 йилда ташкил топган бўлиб, таъмирталаб ҳолда эди. Энди у замонавий қиёфа касб этиб, турли муסיқа анжомлари билан жиҳозланади.

СУРАТЛАРДА: (юқорида чапдан ўннга) муסיқа мактаби раҳбари Хайрулла Мирмаҳмудов, бригадир Умарали Солиев, хусусий фирма раҳбари Тошпўлат Сатторов; дурадгор Ҳикмат Исмоилов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲАЁТИМНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамгармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Корея сайёҳлик миллий ташкилоти ва "Хвасун" госпитали ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Nanum Medical Servis" лойиҳаси самараси ўлароқ, кўпгина юртдошларимиз дардига шифо топмоқда. Марина Курбанбаева ҳам мазкур лойиҳа доирасида Кореяда даволанди.

Марина жорий йилнинг 22 февралда Чоннам миллий университетининг "Хвасун" госпиталида кўкрак саратони бўйича малакали шифокор профессор Юн Хван томонидан даволанди.

— Мен жуда хурсандман, — дейди Марина табассум билан. — Ҳаётимни сақлаб қолишгани учун жарроҳ Юн

Хван бошчилигидаги жамоа ва мени даволаш учун Кореяга жўнатган ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

"Хвасун" госпитали эндокрин жарроҳлик клиникаси ходимларининг таъкидлашича, шифокор Юн Хван хасталикни илк босқичида аниқлаш, операция қилиш, бе-

морларда кимётерапия амалиётини олиб бориш, мунтазам кўриқдан ўтказиш боради катта тажрибага эга. У беморлардан ўзининг фойдали маслаҳатларини аямайди, шу билан бирга, ҳамкасблари, малакали мутахассис шифокорлар билан ҳамкорликда миждозларининг тез фурсатда соғайиб кетишини таъминлаш мақсадида тинмай ишлабди.

Таъкидлаш жоизки, 1989 йилдан буён шифокор Юн Хваннинг кўкрак бези саратони хасталиги ва уни даволаш усуллари ҳақида 1500 дан зиёд илмий мақолалари

эълон қилинган, 3000 дан ортик жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга оширган ва бу мавзуда кўплаб маърузалар ўқиган. "Хвасун" госпиталида кўкрак бези раки соҳасида ўтказилган жарроҳлик амалиётлари бўйича рекорд натижаларга эришган.

Кўкрак бези саратони ташхиси қўйилган минглаб беморлар ўз саломатлигини тиклаб олишга ёрдам бергани учун корейлик профессор Юн Хвандан бир умрга миннатдор бўлишмоқда.

Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".



"Умида Асал Орзу" МЧЖ Фазалкент шаҳри аҳолисига ҳайвонот боғини совға қилди. Бу ерда ўнлаб турдаги қуш, балик ва бошқа ҳайвон турлари парвариш қилинади. Даврон АҲМАД олган сурат.

Қадрли устозлар!

«ТОШВИЛСУВОҚАВА»

очик акциядорлик жамияти жамоаси

Сизларни 1 октябрь —
Ўқитувчи ва мураббийлар кунини
билан қизгин қутлайди!

Мустақил Ўзбекистоннинг янги авлодини
тарбиялаш, ўғил-қизларимизни ажаодларимизнинг
бой маънавий-маънавий меросига,
умуминсоний кадриятларга меҳр-муҳаббат
руҳида камол топтиришак
шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда
янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

ЖАМОАСИ

Озод ва обод юрт фарзандларини
ҳар томонлама етук ҳамда баркамол
инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида
самарали фаолият юритаётган
ўқитувчи ва мураббийларни
касб байрамлари
билан қизгин қутлайди.

